

ШОВКАТОВ Шокир

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
хузуридаги Малака ошириш маркази
ўқитувчиси

СУННАТ ВА УНИНГ ИСЛОМ ҲУҚУҚИДАГИ ЎРНИ

СУННА И ЕЕ РОЛЬ В ИСЛАМСКОМ ПРАВЕ

SUNNA AND ITS ROLE IN ISLAMIC LAW

Аннотация: Ушбу мақолада ислом манбаларидан бири суннат ва унинг маънолари очиб берилган. Суннатнинг ислом ҳуқуқида ҳужжат бўлишига далил бўлган оятлар келтирилиб, суннатни қатъий далил сифатида инкор этувчи тоифалар ва уларни қарашлари ёритилган. Шунингдек, суннатни инкор қилувчи тоифаларнинг қарашларига ислом уламолари томонидан берилган раддиялар ва уларнинг мазмуни келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Қуръон, ҳадис, суннат, ҳужжат, манба, ислом манбалари, адашган тоифалар, раддия, ислом ҳуқуқи.

Аннотация: В этой статье объясняется один из исламских источников, сунна, и ее значения. Приводятся аяты, доказывающие, что Сунна является документом исламского права, и выделяются категории, отрицающие Сунну как твердое доказательство, и их взгляды. В нем также цитируются опровержения исламскими учеными взглядов групп отрицания и их содержания.

Ключевые слова: Коран, хадис, сунна, документ, источник, исламские источники, ошибочные категории, отрицание, исламское право.

Annotation: This article explains one of the Islamic sources, sunnah, and its meanings. The verses that prove that the Sunnah is a document in Islamic law are cited, and the categories that deny the Sunnah as solid evidence and their views are highlighted. It also cites the denials made by Islamic scholars to the views of denial groups and their content.

Keywords: Quran, hadith, sunnah, document, source, Islamic sources, misguided categories, denial, Islamic law.

КИРИШ

“Суннат” сўзи арабча сўз бўлиб, “йўл”, “сийрат”, маъносини билдиради. Исл

манбаларида “суннат” сўзи яхши йўлга ҳам, ёмон йўлга ҳам баробар ишлатилади. Қуръони Каримда “суннат” сўзи 15 мартаба зикр этилган бўлиб, ҳадиси шарифларда ҳам ушбу маънолар ўз аксини топган. Қуръони каримда Аллоҳ таоло айтади:

“(Улар) унга (Қуръонга) имон келтирмайдилар. Холбуки, аввалгиларнинг йўллари (тажрибадан) ўтган эди” (Ҳижр сураси, 13-оят) [1:262].

Ҳадиси шарифда Муҳаммад алайҳиссалом айтадилар: “Кимки исломда чиройли ишни жорий қилса, унга ушбу ишнинг савоби ва ундан кейин унга амал қилган кишиларнинг савобларидан биронтаси ноқис бўлмай унга бўлади. Шунингдек, кимки исломда ёмон ишни жорий қилса, унга ушбу ишнинг гуноҳи ва ундан кейин унга амал қилган кишиларнинг гуноҳларидан биронтаси ноқис бўлмай унга бўлади”.

АСОСИЙ ҚИСМ

“Суннат” тушунчасига соҳа олимлари турлича таъриф беришган. Жумладан, замонавий мусулмонларидан бири Доктор Ваҳба Зухайлий: “Суннат деб, фақиҳлар наздида – Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам томонидан бажарилган амалга айтилади. Бу беш ҳукмдан бирини ўз ичига олади: Вожиб, харом, суннат, макруҳ ва мубоҳ. Гоҳида улар суннатни бидъат муқобилида ҳам ишлатиб, “суннат талоқ қуйидагича” ёки “бидъат талоқ қуйидагича” дейишган [5:41].

Усул ал-фикҳ уламолари наздида: “Суннат бу – соллаллоҳу алайҳи васаллам томонидан Қуръондан бошқа сўз ёки амал ёки сифат ёки тақрирдан иборат содир этган нарсага айтилади” [5:42].

Мухаддислар қарашларига кўра эса “Суннат Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам томонидан сўз ёки амал ёки тақрир ёки сифат ёки сийрат хабар қилган нарсага айтилади”. Суннат муҳаддисларнинг томонидан ҳадисга синоним сифатида қўлланилади [8:87].

Исл

шариат аҳкомлари, Қуръонда ифода этилган барча илму амалиётларга доир ғоялар атрофлича талқин этилиб, батафсил изоҳланади.

Ислом оламида доимий равишда суннатга алоҳида эътибор берилган. Шунга қўра, мусулмонлар томонидан суннат амалларни муҳофаза қилишга, уни ёзиш билан бир қаторда қўлларидан келганича унга амал қилишга ҳаракат қиладилар. Келгуси авлодларга ишончли манабалар асосида ривоят қиладилар. Шу боис, ҳадисларнинг аксарияти лафз ва маъно билан мутавотир ёки фақат маъно билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга муттасил (узлуксиз) ҳолда етиб борган. Бу эса фақатгина Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам умматларига хосдир. Ибн Ҳазм айтади: “Ишончли кишидан ишончли кишига нақл қилишлик, у билан муттасил ҳолда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга етишлиги Аллоҳ таоло миллатлардан фақат мусулмонларни хослагандир. Шунга қўра, саҳобалар ва тобеинлар ихлос, омонат билан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитган нарсаларини адо қилишга ҳарис бўлиб, диққат билан уни тадқиқ қилишган ва бу иш ҳадис имомлари билан ниҳоясига етказилиб, суннат девон (тўплам) қилинган” [8:88].

Суннат ислом ҳукуқининг асосий таянч манбаларидан иккинчиси ҳисобланади. Унинг бу мартабаси ҳақида Аллоҳ таоло ўз китобида хабар беради: “(Яна у Қуръонни) **хомхаёлдан олиб сўзлаётгани ҳам йўқ! У Қуръон фақат** (Аллоҳ томонидан) **нозил қилинаётган** (туширилаётган) **бир ваҳийдир**” (Нажм сураси, 3-4 оятлар) [1:526] ва яна Пайғамбарига эргашишликка ва унга итоат қилишга буюради: “**Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳга итоат этингиз, Пайғамбарга ва ўзларингиздан (бўлмиш) бошлиқларга итоат этингиз!**” (Нисо сураси, 59-оят) [1:87]. Аллоҳ мусулмонларни ўз элчиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилишни амр қилади. Чунки, оятда унга итоат қилиш Аллоҳга итоат қилиш, деб таъкидланади: “**Кимда-ким Пайғамбарга итоат этса, демак, у Аллоҳга итоат этибди. Кимда-ким бош тортса, Сизни улар устидан кўриқловчи қилиб юборганимиз йўқ**” (Нисо сураси, 80-оят) [1:91]. Ушбу оятлардаги кўрсатмалардан суннатни шаръий далиллар борасида ҳужжат бўлиши вожиблиги (шарти)

ва унинг Қуръондан кейин иккинчи мақомда эътиборга олинishi келиб чиқади. Шунга қарамасдан, баъзи адашган тоифалар томонидан фақат Қуръони карим билан кифояланиш вожиблигини уқтиришга ҳаракат қилишади. Бу эса адашиш бўлиб, бундай даъволарга нисбатан уламолар раддиялар бериб қилишган. Жумладан, Доктор Ваҳба Зухайлий суннатни инкор қилувчиларнинг далилларини рад этишдан аввал уларни бирма-бир санаб ўтади:

Албатта Қуръон барча нарсани баён қилади. Суннат эса ваҳий қилинган Қуръон оятлари мақомига қўтарила олмайди. Аллоҳ таоло айтади: “**Китобда (Лавҳул-Махфузда) бирор нарсани (ёзмасдан) қолдирмаганмиз**” (Анъом сураси, 38-оят) [1:132]. Шунингдек, Аллоҳнинг ушбу оятини таъвил қиладилар: “**Сизга ҳамма нарсани баён қилиб берувчи, ҳидоят, раҳмат ва мусулмонлар учун башорат бўлган Китоб (Қуръон)ни нозил қилдик**” (Наҳл сураси, 89-оят) [1:277].

Бунга олим қуйидаги далилларни келтиради: Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилинади: “Аллоҳ таоло ўз баданига сурат (татуровка) чизувчиларни лаънатлади. Бу хабар Бану Асад қабиласидан бир аёлга етиб борди ва Абдуллоҳ ибн Масъудга айтди: “Эй Абу Абдурахмон, менга сенинг шундай-шундай лаънатлаганинг қулоғимга етди. Шунда у киши: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам лаънатлаган нарсани мен қандай лаънатламай. Бу нарса Аллоҳнинг китобида бор”, деди. Аёл айтдики: “Мен Мусҳафни бошдан-оёқ, яъни у жилдидан бу жилдигача ўқидим. Бироқ сен айтаётган нарсани топмадим. Шунда Абдуллоҳ ибн Масъуд: “Агар сен ўқиганингда албатта топардинг”, деди ва Аллоҳнинг ушбу оятини тиловат қилди: “**Пайғамбар сизларга келтирган нарсани олингиз, у сизларни қайтарган нарсадан қайтингиз**” (Ҳашр сураси, 7-оят).

Ривоят қилинадики, Имом Шофеий Масжидул ҳаромда ўтирган эди. Одамлар эса гаплашиб ўтиришарди. Шунда у одамларга айтди: “Мендан бирор нарса ҳақида сўрасангиз фақатгина Алоҳнинг китоби билан жавоб бераман. Бир киши Ҳарамда ўлдириладиган баъзи азиятлар Қуръондан қандай олинади. Ваҳоланки, ушбу хусусда оят йўқлигини айтди. Имом Шофеий шунда ушбу оятни ўқиди:

“Пайғамбар сизларга келтирган нарсани олингиз, у сизларни қайтарган нарсадан қайтингиз” (Ҳашр сураси, 7-оят).

2. Суннат ҳужжат эмас. Сабаби Қуръонни Аллоҳ сақлашга кафолат қилганидек, суннатни сақлашни кафолатламаган. Аллоҳ таоло айтади: **“Албатта, бу зикрни (яъни Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва уни Ўзимиз асрагувчимиз”** (Ҳижр сураси, 9-оят) [1:262]. Зикрдан мурод бу эрда Қуръондир, чунки Қуръон хосланмоқда.

Бунга икки томонлама раддия берилади. Жумладан:

а) Биз зикрдан мурод фақатгина Қуръон эканлигини тасдиқ қилмаймиз. Чунки оятдаги “зикр” сўзида Қуръон ва суннатдан ташкил топган шариат аҳкомлари кўзда тутилиши эҳтимоли бор. Бу Аллоҳнинг тавба сурасидаги: **“(Улар) Аллоҳнинг нури (дини)ни оғизлари (инкорлари ва ширклари) билан ўчирмоқчи (йўқ қилмоқчи) бўладилар”** (Тавба сураси, 32-оят) каби [1:192]. Бу эрда “Унинг нури” – унинг шариати, унинг дини демакдир.

б) Биз “зикр” сўзидан мурод фақат Қуръон деган сўзга таслим бўлсак ҳам дейлик. Аммо оятда суннат ҳужжат эмас, деган даъволарга ҳам далолат йўқ. Шунинг учун бу оятдаги чеклаш том маънода эмас. Чунки Аллоҳ таоло Қуръонда Ўз Расулига нозил қилган нарсаларини етказишга буюриб, уларни Ўзи сақлашини айтади: **“Эй Расул! Раббингиздан Сизга нозил қилинган нарса (оятлар)ни (одамларга) етказинг! Агар (буни) қилмасангиз, Унинг рисоласи (топшириғи)ни етказмаган бўлурсиз. Аллоҳ Сизни одамлар (зарари)дан сақлагай”** (Моид сураси, 67-оят) яъни сақлайман” [1:119].

Ҳукмлар ҳақида баҳс кетар экан, Имом Шофеий ўзининг “Рисола” китобида ҳукмларни қуйидаги қисмларга тақсимлаган:

Аллоҳ таоло Ўзининг махлуқотларига насс (Қуръон ва суннат) орқали баён қилган нарсалар: закот, намоз, ҳажнинг фарзлиги, очик ва махфий гуноҳларнинг ишларнинг ҳаромлиги.

Қуръонда қисқа ҳолда келган ҳукм бўлиб, уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз қавлий ва амалий суннатлари билан баён қилган. Намоз вақтлари, унинг ракатлари сони, ҳаж, қурбонлик, ов ҳукмларининг баёни, никоҳ, савдо-сотиқ, жиноятларнинг тафсилотларига ўхшаш. Бу нарсалар ушбу ояти

каримага киради: **“Сизга эса одамларга нозил қилган (маълумотлар)ни баён (тафсир) қилиб беришингиз учун ва тафаккур қилсинлар, деб бу зикрни (Қуръонни) нозил қилдик”** (Наҳл сураси, 44-оят) [1:272].

Қуръонда ҳукм қилган насс йўқ бўлган ҳолда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни суннат қилган нарсалар. Чунки, Аллоҳ ўз китобида элчисига итоат қилишни фарз қилган. Кимда-ким ушбу суннатни қабул қилса, Аллоҳнинг амрини бажарган бўлади: **“Кимда-ким Пайғамбарга итоат этса, демак, у Аллоҳга итоат этибди”** (Нисо сураси, 80-оят) [1:91].

Ибн Қайюм суннатга эргашиш баёнида суннатнинг Қуръон билан уч кўринишини айтади. Жумладан:

а) Суннатнинг ҳар жиҳатдан Қуръонга мувофиқ бўлиши. Бунда Қуръон ва суннатдаги далиллар мос келиши.

б) Суннат Қуръон ирода қилган нарса учун баён ва унинг тафсири (шарҳи) бўлади.

с) Суннатнинг Қуръон у ҳақда жавоб беришдан сукут қилган ҳукм учун жавоб вазифасини ўтайди ёки ҳаром бўлишидан сукут қилган нарсада ҳаром қилувчи омил бўлади. Суннат ушбу юқорида зикр қилган қисмлардан чиқиб кетмайди ва Қуръонга ҳеч бир жиҳатдан қарама-қарши бўлмайди [8:92].

Демак, суннатдаги мавжуд нарса Қуръонга қўшимча бўлади. Шунга кўра, у Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам томонидан бошланғич шариъатдир. Юқорида зикр қилган фикр-мулоҳазалардан суннатни Аллоҳнинг китобидан устун қилиш тушунилмайди. Аксинча, Аллоҳ таолонинг элчиси Аллоҳнинг сўзига амал қилиш тушунилади. Агар мана шу ўринда Расулуллоҳга соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашилмаса, унга итоат этишда маъно қолмайди ва Қуръонда элчисини хослаган итоат ўз кучини йўқотади. Бунга кўпгина мисоллар келтириш мумкин. Шубҳасиз маълумки, тенглик, яъни Қуръон билан суннатнинг ҳукм борасидаги баробарлиги шунга далолат қиладики, Қуръон унга кўрсатма бермаган суннатдаги ҳукмлар сони унчалик кўп эмас. Бунга мисол қилиб маҳаллий эшак, ваҳший ҳайвонлар, қозик тишлиларнинг гўштини ҳаром қилган ҳадисларни келтириш мумкин. Бу нарсалар бизга шариатдаги ҳукмларни фақат

ёлғиз суннатнинг ўзи собит қилмаганлигини мантиқан келтириб чиқаради.

Имом Шотибий айтади: “Фақат Қуръон билан чекланиш суннатдан чиққанлиги боис, насибасиз қавмнинг фикридир. Улар Қуръонда ҳар бир нарса учун баён бор, деган сўзда ҳаддан ошишди. Шу боис суннатни улоқтирдилар. Бу нарса уларни аҳли сунна вал жамоадан чиқишлигига ва Қуръонни Аллоҳ таоло нозил қилмаган томонга таъвил қилишларига олиб келди” [8:93].

Юқорида кўрсатиб ўтилган далиллар ва мантиқий хулосалар натижасида айтиш мумкинки, суннат Қуръоннинг мужмал ҳукмларини, унинг умумини хослаш ва мутлақини қайдлашни баён қилишда бир модда бўлиб, у билан шариат ҳукмлари униб ўсади. Шундай экан, ким суннатни қабул қилса, Аллоҳнинг сўзини қабул қилган бўлади. Зеро, Аллоҳ таоло ўз элчисини итоатига бўйсинишга буюрган. Имом Авзойй айтади: “Суннат китобга қараганда Китоб суннатга эҳтиёжлироқ” [10:290].

ХУЛОСА

Хулоса қилиш мумкинки, суннатни инкор қилишлик динда адашишликка сабаб бўлади. Буни ҳужжат қилиб олмасдан туриб намоз, закот, ҳаж ва бошқа Қуръон мужмал баён қилган фарзларни фақатгина луғавий маъноларини тушунилади, холос. Бу билан кўпгина фарзлар соқит бўлади. Шунинг учун Имом Шофеий айтганидек, “бу нарсаларни сўзловчининг исломдан хабари йўқдир” [5:441].

Қуръонга нисбатан суннатнинг ўрнини янада аниқроқ ифодалаш қуйидагича бўлади: Суннат Қуръондан кейин ҳужжат борасида иккинчи мартабадаги ҳужжат ва ислом ҳуқуқидаги манбаларнинг иккинчисидир. Бунга Муоз ибн Жабал розияллоҳу анхунинг ҳадисига ўхшаш нақл қилинган хабарлари, Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху ўз қозиси Шурайхга хат жўнатган вақтдаги: “Аллоҳ таолонинг китобидан сенга баён қилган нарсага боқ ва ҳеч кимдан бу нарсада сўрама! Аллоҳнинг китобида сенга баён қилинмаган нарсаларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам суннатларига эргаш!” деган сўзлари ҳамда Ибн Масъуд розияллоҳу анхумонинг: “Сизлардан биронтангизга бирор масала кўндаланг бўлса,

Аллоҳнинг китоби билан ҳал қилсин, мободо Аллоҳнинг китобида йўқ бўлса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳукм қилган нарса билан ҳукм қилсин”, - деб айтган таъкидлари далолат қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Ўқитувчи нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2020 – 624 б.
2. Али ибн Султон Муҳаммад Қорий. Мирқот ал-мафотиҳ шарҳ мишкот ал-масобих. – Байрут.: Дор ал-фикр ли тобаати ва-н-нашр ва тавзиъ, 2002. – Ж. 7. – Б. 2935.
3. Аҳмад Муҳаммад Шокир. Ал-Боис ал-ҳадис фи илм ал-ҳадис. – Ар-Риёд: Мактабат ал-маориф ли-н-нашр ва-т-таъзиъ, 1995. – 230 б.
4. Доктор Муҳаммад Саид Рамадон Бутий. Фикх ас-сийра ан-набавийа. – Дамашк.: Дор ал-фикр, 2007. – 400 б.
5. Доктор Ваҳба Зуҳайлий. Усул ал-фикх ал-исломий. – Дамашк.: Мактабат ал-Асад, 2005. – 680 б.
6. Доктор Мустафо Муҳаммад Абу Аммора. Ал-Мухтасар фий кавоид ал-мусталаҳ. – Қоҳира: Мактабат ал-Азҳар, 2006. – 271 б.
7. Жалолиддин Абдурахмон ибн Абу Бакр Суютий. “Ал-Жомеъ ас-соғир фи аҳодис ал-башир ан-назир”. Дор ал-калам литтурас, 1910. – 746 б.
8. Манноъ ал-Қаттон. Тарих ташриъ ал-исломий. – Байрут.: Муассасат ар-рисола, 1998. – 367 б.
9. Маҳмуд ат-Таҳҳон. Тайсир мусталаҳ ал-ҳадис. – Ар-Риёд: Мактабат ал-маъориф, 1987. – 240 б.
10. Муҳаммад Хузарий. Усул ал-фикх. – Қоҳира.: Мактабат тавфикия, 2000. – 456 б.